“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекистон МЭТ” АЖ
Кузатув кенгаши йиғилишининг
2025 йил “ 25 ” 11 даги
3 / 2025 - сон баённомаси

# “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ривожланиш бўйича 2026 йил
# БИЗНЕС - РЕЖАСИ

# М У Н Д А Р И Ж А


| | | |
|---|---|---|
| 1. | ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ | 3 |
| 1.1. | 2025 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВА 2026 ЙИЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР | 6 |
| 1.2. | ТЕХНИК СИЁСАТ | 10 |
| 1.3. | ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ | 12 |
| 1.4. | МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ПОДСТАНЦИЯЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛИШ | 13 |
| 2. | БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ | 14 |
| 2.1. | ЖАМИЯТНИНГ АКТИВЛАРИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР | 15 |
| 2.2. | ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ | 15 |
| 3. | ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ | 16 |
| 4. | МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАЛИ УЗАТИЛАЁТГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МИҚДОРИ | 19 |
| 5. | МОЛИЯВИЙ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ | 20 |
| 6. | МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ | 21 |
| 7. | ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ РЕЖАСИ | 25 |
| 8. | КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИ | 31 |
| 9. | ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ | 36 |
| 10. | ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ | 37 |
| 11. | ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИКЛАР | 38 |
| 12. | САРФ-ХАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ, ЧОРА-ТАДБИР (илова 1. 42-варақда) | 39 |
| 13. | СОФ ФОЙДА ТАҚСИМОТИ | 39 |
| 14. | САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ | 39 |
| 15. | ХАРИДЛАР РЕЖАСИ | 41 |
| 16. | КОРРУПЦИЯ ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИ ҲАМДА 2026 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР | 42 |
| 17. | ХОДИМЛАР ВА ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИ | 43 |

# 1. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

"Oʻzbekiston milliy elektr tarmoqlari" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда "Oʻzbekiston MET" АЖ, Жамият) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПҚ-4249-сон қарорига асосан тугатилган "Ўзэлектртармоқ" УК ва "Ўзбекэнерго" АЖ нинг "Энергосотиш" филиали негизида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, электр энергиясини Республиканинг магистрал электр тармоқлари орқали етказиб бериш, давлатлараро транзитни амалга ошириш, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш "Oʻzbekiston MET" АЖнинг асосий фаолият турлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 17 январдаги ПҚ-28-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 февралдаги 91-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергияси соҳасидаги фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан шакиллантирилади.

Бугунги кунда "Oʻzbekiston MET" АЖ таркибида жами 19 та ташкилот (таркибий бўлинмалар) мавжуд, жумладан 14 та ҳудудий магистрал электр тармоқлари, энергетика тизими бўйича фаолият юритадиган "Energo IT" филиали, "Магистралтармоққурилиш" филиали, "Энергомахсусавто" филиали, "Magistral elektr tarmoqlari injiniring" MCHJ ва "Elektr tarmoq qurilish direksiyasi" MCHJ шулар жумласидандир.

Жамиятга қарашли **1 583 та** подстанция, **36 877 км** дан ортиқ **35-500 кВли** магистрал ҳаво электр узатиш линиялари ва **542 та** автомобиль ва махсус автотранспорт воситалари мавжуд.




Электр узатиш ҳаво тармоқларининг узунлиги (кучланиши бўйича)




Подстанция трансформаторларининг қуввати (кучланиши бўйича)




Подстанциялар сони (кучланиш бўйича)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-166-сонли Фармонида, Жамиятнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Жумладан:

- ягона электр энергетика тизимининг реал вақт режимида ишончли ишлашини ва мувозанатини таъминлаш;

- тасдиқланган тарифлар асосида магистраль электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатиш хизматларини кўрсатиш;

- магистраль электр тармоқларини тасдиқланган дастурлар асосида ривожлантириш;

- қўшни мамлакатларнинг энергетика тизимлари билан барқарор боғланишни таъминлаш ва узлуксиз узатиш ишлаши бўйича режимларини бошқариш.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг алоқа маълумотлари: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 42-уй, факс (+998 71) 208-56-01 www.uzbekistonmet.uz




Ижро этувчи аппарат ва янги таҳрирдаги ташкилий тузилма “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Ягона акциядорининг 2024 йил 24 июндаги 11-сон қарори билан тасдиқланган.

Бошқарув аппарати таркиби 222 штат бирлигидан иборат. 2026 йилга инвестиция лойихалари бўйича ишга тушадиган объектлар хисобига янги иш ўринлар сони 38 та яратилиши кутилмоқда.

## Жамиятнинг бошқарув аппарати таркибий тузилмаси

“O‘zbekiston MET” AJ Ягона акциядорининг
2025 йил 14-февралдаги
15-сон қарорига
1 - Илова




- *) “O‘zbekiston MET” AJ.нинг ташкилий тузилмасига кирувчи филиаллар;
- **) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармонига мувофиқ босқичма-босқич “O‘zbekiston MET” AJ билан хусусий электр станциялари ўртасида имзоланган электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимлар “O‘zenergosotish” AJга қайта расмийлаштирилгунига қадар тегишли ишларни амалга ошириш ишлари билан шуғулланувчи бўлим.
- “O‘zbekiston MET” AJ марказий аппарати ходимларининг чекланган сони – **222** бирлик;
- Бошқарув раиси иш ҳажмига қараб бошқарма ва бўлим (хизмат ва офис)ларни бошқарув раисининг тегишли масалалари бўйича ўринбосарларига тақсимлаш ҳамда штат жадвали доирасида ходимлар сонига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 1.1. 2025 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВА 2026 ЙИЛДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023-йил 28-сентябрдаги ПФ-166-сон Фармонига, шунингдек, “Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024-йил 17-январдаги ПҚ-28-сон қарорига  мувофиқ 2024-йил 1-июлдан бошлаб  электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функсиясини бажарувчи сифатида “Ўзенергосотиш” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ эса,  электр энергиясини ташиш ва транзит қилишга ихтисослашган ягона магистрал электр энергияси узатиш тизими оператори этиб белгиланган.

2024 йил 1 июль ҳолатига “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ билан Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида амалга оширилган (оширилаётган) лойиҳалар 49 тани ташкил этган. Шундан,

- Иссиқлик электр станциялари 11 та
- Қуёш электр станциялари 16 та
- Шамол электр станциялари 12 та
- Электр энергиясини сақлаш тизимлари 9 та
- Яшил водород 1 та

Ушбу 49 та лойиҳанинг умумий қиймати 18 507,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, станцияларнинг умумий қуввати 19 200 МВт ни ташкил этади.

<u>Бугунгача ишга туширилган лойиҳалар сони 27 тани</u> ва уларнинг ўрнатилган қуввати 8 636 МВт ни ташкил этади. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 7 455,0 млн. АҚШ.доллари миқдорида.

Хозирга пайтда мазкур лойиҳалардан 26 таси ПФ-166-сон Фармонга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 2 февралдаги “Электр энергиясини харид қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-39-сон қарорида назарда тутилган Режа-жадвал асосида “Ўзэнергосотиш” АЖга қайта расмийлаштирилди.

<u>2025 йил якунига қадар ишга тушириладиган лойиҳалар сони 3 тани ташкил этади</u>

1-жадвал

<u>Қуёш фотоэлектр станциялари</u>

**1.** Волталиа (Франция) компанияси билан музокаралар ўтказилган. Лойиҳанинг қиймати 68,0 млн. АҚШ доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 100 МВт ни ташкил этади. Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани 2025 йилнинг декабрь ойида тўлиқ ишга туширилади (30.11.2023 йилдаги ПҚ-384-сон қарори).

<u>Электр энергиясини сақлаш тизими</u>

**1.** Гежоуба (Хитой) компанияси билан 2023 йилнинг 27 январида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилган. Лойиҳанинг қиймати 110,0 млн.АҚШ доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 100 МВт ни ташкил этади. Тошкент вилояти Паркент тумани 2025 йилнинг декабрь ойида тўлиқ ишга туширилади (29.02.2024 йилдаги ПҚ-96-сон қарори).

**2.** Гежоуба (Хитой) компанияси билан 2023 йилнинг 27 январида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказилган. Лойиҳанинг қиймати 110,0 млн.АҚШ доллари қийматида бўлиб,

ўрнатилган қуввати 100 МВт ни ташкил этади. Тошкент вилояти Паркент тумани 2025 йилнинг декабрь ойида тўлиқ ишга туширилади (29.02.2024 йилдаги ПҚ-97-сон қарори).

Республикамизда 2030 йилгача “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ билан имзоланган Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида яна 21 та лойиҳа ишга туширилиши бўйича битимлар имзоланган

Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 11 052,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 10 564 МВт ни ташкил этади. Шундан,

Иссиқлик электр станциялари. Амалга оширилаётган лойиҳалар сони 3 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 2 600,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 3 714 МВт ни ташкил этади.

Қуёш фотоэлектр станциялари. Амалга оширилаётган лойиҳалар сони 4 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 1 560,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 1 600 МВт ни ташкил этади.

Шамол электр станциялари. Амалга оширилаётган лойиҳалар сони 7 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 6 088,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 4 500 МВт ни ташкил этади.

Электр энергиясини сақлаш тизими. Амалга оширилаётган лойиҳалар сони 7 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 804,0 млн.АҚШ.доллари қийматида бўлиб, ўрнатилган қуввати 750 МВт ни ташкил этади.

**Амалга оширилаётган лойиҳалар 1-жадвал**

| т/р | ДХШ лойиҳалари | | Лойиҳа қуввати МВт | Ишга тушиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | **2025-2028 йил** | | | |
| 1 | Сурхондарё вилояти Ангор тумани | Stone City Energy (Нидерландия) | 1 590 | I навбати - 2027 йил февраль; тўлиқ - 2027 йил август |
| 2 | Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани | Cengiz Energi (Туркия) | 550 | I навбати - 2026 йил ноябрь; тўлиқ - 2027 йил февраль |
| 3 | Сирдарё вилояти Боёвут тумани | EDF- Nebras-Sojitz *(Франция, Қатар ва Япония)* | 1 574 | I навбати - 2025 йил декабрь; тўлиқ - 2026 йил июнь |
| | **Жами ИЭСлари** | | **3 714** | |
| 4 | Самарқанд вилояти Нуробод тумани Сазағон-1 | ACWA Power (Саудия Арабистони) | 500 | I навбати - 2025 йил сентябрь; тўлиқ - 2026 йил июнь |
| 5 | Самарқанд вилояти Нуробод тумани Сазағон-2 | ACWA Power (Саудия Арабистони) | 500 | I навбати - 2025 йил сентябрь; тўлиқ - 2026 йил июнь |
| 6 | Қашқадарё вилояти Ғузор тумани | Масдар (БАА) | 300 | тўлиқ - 2025 йил, декабрь |
| 7 | Навоий вилояти Нурота тумани | Gezhouba (Хитой) | 300 | I навбати - 2025 йил июль тўлиқ - 2026 йил декабрь |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **Жами ФЭСлари** | | **1 600** | |
| 8 | Бухоро вилояти Ғиждувон тумани | ACWA Power (Саудия Арабистони) | 300 | тўлик - 2027 йил октябрь |
| 9 | Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот-4 туманида | ACWA Power (Саудия Арабистони) | 500 | тўлик - 2027 йил октябрь |
| 10 | Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида | ACWA Power (Саудия Арабистони) | 200 | 2027 йил, декабрь |
| 11 | Қорақалпоғистон Республикасида Қўнғирот туманида | AMEA Power (Саудия Арабистони) | 1000 | I навбати - 2029 йил октябрь; тўлик - 2030 йил декабрь |
| 12 | Самарқанд вилояти Булунғур тумани (Алфа) | "Universal Energy" (ХХР) | 500 | 2028 йил декабрь |
| 13 | Самарқанд вилояти Булунғур тумани (Бета) | "Universal Energy " (ХХР) | 500 | 2028 йил декабрь |
| 14 | Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани | ACWA Power (Саудия Арабистони) | 500 | I навбати - 2026 йил ноябрь; тўлик - 2027 йил июнь |
| | | | 500 | |
| | | | 500 | |
| | **Жами ШЭСлари** | | **4 500** | |
| 15 | Тошкент вилояти Паркент тумани | Gezhouba (Хитой) | 100 | тўлиқ - 2026 йил 1 июль |
| 16 | Тошкент вилояти Пискент тумани | | 100 | |
| 17 | Тошкент вилояти Оҳангарон тумани | | 100 | |
| 18 | Наманган вилояти Уйчи тумани | | 100 | |
| 19 | Наманган вилояти Поп тумани | | 100 | |
| 20 | Андижон вилояти Асака тумани | | 100 | |
| 21 | Навоий вилояти Нурота тумани | | 150 | тўлик - 2026 йил декабрь |
| | **Жами Электр энергиясини сақлаш тизимилари** | | **750** | |

## 2027-2030 ЙИЛЛАР КЕСИМИДА ҚУРИЛАДИГАН ПОДСТАНЦИЯЛАР ВА ЭЛЕКТР УЗАТИШ ҲАВО ТАРМОҚЛАРИ

Подстанциялар ва электр узатиш ҳаво тармоқлари: Жами умумий қуввати 4 006 МВА бўлган 5 дона подстанция, шундан 3 та умумий қуввати 3 003 МВА бўлган 500 кВ кучланишли подстанция ва 2 та умумий қуввати 1 000 МВА бўлган 220 кВли подстанциялар ҳамда умумий узунлиги 2 872 км бўлган электр узатиш ҳаво тармоқлари, шундан 500 кВ кучланишли тармоқлар 2 374 км ва 220 кВ кучланишли 498 км тармоқлар қурилиши режалаштирилган.

## 2027-2030 ЙИЛЛАР КЕСИМИДА ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАР

Иссиқлик электр станциялари: Энергетика тизимига уланадиган жами қуввати 4 576 МВт бўлган газ-поршенли иссиқлик электр станцияси қурилиши режалаштирилган. Атом электр станциялари: жами қуввати 300 МВт бўлган АЭСлари қурилиши режалаштирилган. Шамол электр станциялари: жами қуввати 9 100 МВт бўлган ШЭСлари қурилиши режалаштирилган. Гидроэлектр станциялари: жами қуввати 1 828 МВт бўлган ГЭСлари қурилиши режалаштирилган. Тизимга қўшиладиган қувватлар 16 304 МВтни ташкил этади.

## 2027-2030 ЙИЛЛАР КЕСИМИДА ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАНГАН ТАРМОҚЛАР РЎЙҲАТИ

1. 500 кВли АУП Устюрт – АУП Қўнғирот тармоғини қуриш (2х120 км).
2. 500 кВли АУП Қўнғирот – ПС Нукус тармоғини қуриш (2х156 км).
3. 500 кВли ПС Нукус – ПС Саримай тармоғини қуриш (2х265 км).
4. 500 кВли ПС Саримай – ПС Қоракўл тармоғини қуриш (2х245 км).
5. 500 кВли ПС Қоракўл – ПС Нуробод тармоғини қуриш (2х260 км).
6. 500 кВли ПС Нуробод – ПС Халқа тармоғини қуриш (2х345 км).
7. 500 кВли ПС Нуробод – ПС Сурхон тармоғини қуриш (1х275 км).
8. 500 кВли ПС Навоий 500 кВ – ПС Ёшлик тармоғини қуриш (1х390 км).
9. Навоий-500 ва Ёшлик подстанцияларни боғловчи тармоқни 300 МВтли АЭС ОТҚсига “кириш-чиқиш” усулида улаш.
10. 500 кВли Янги Ангрен ИЭС – ПС Наманган тармоғини қуриш (1х180 км).
11. 500 кВли ПС Наманган – ПС Марғилон тармоғини қуриш ( 1х52 км).
12. 500 кВли ПС Марғилон – ПС Лочин тармоғини қуриш (1х52 км).
13. 1600 МВт қувватли Ангор ИЭС лойиҳаси доирасида қуриладиган 500 кВли тармоқлар.

## 2025-2026 ЙИЛЛАРДА ҚУРИЛАДИГАН ПОДСТАНЦИЯЛАР ВА ЭЛЕКТР УЗАТИШ ҲАВО ТАРМОҚЛАРИ.

Подстанциялар ва электр узатиш ҳаво тармоқлари: Жами умумий қуввати 2 754 МВА бўлган 5 та подстанция, шундан 2 та умумий қуввати 2 604 МВА бўлган 500 кВ кучланишли подстанция ва 3 та умумий қуввати 1 150 МВА бўлган 220 кВли подстанциялар ҳамда умумий узунлиги 809 км бўлган электр узатиш ҳаво тармоқлари, шундан 500 кВ кучланишли тармоқлар 489 км ва 220 кВ кучланишли 320 км тармоқлар қурилиши режалаштирилган.

## 1.2 ТЕХНИК СИЁСАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони 2-иловаси 96.4-бандига асосан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖда электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграция қилиш, мавжуд подстанцияларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш борасида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг Техник сиёсати.

***“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг Техник сиёсатни таркибий тузилмаси:***

1. Техник сиёсатнинг асосий вазифалари.
2. Энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича ҳозирги ҳолат.
3. Энергия тизими барқарорлигини ошириш мақсадида магистрал электр тармоқларини такомиллаштириш ва модернизация ишларини ташкил этиш.
4. Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, реактив қувватни компенсация қилиш ва магистрал электр тармоқларини ривожлантириш.
5. Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган CAS (марказий такомиллаштирилган ўлчаш инфратузилмаси) тизимини тўлиқ ишга тушириш.
6. Кўзда тутилган натижалар тўғрисида.

**Техник сиёсатнинг асосий вазифалари:**

Энергия тизими барқарорлигини ошириш учун магистрал электр тармоқлари конфигурациясини такомиллаштириш ва модернизациялаш;

Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан электр тармоқлари режимларини мақбуллаштириш ва магистрал электр тармоқларини ривожлантириш;

Энергетика тизимини рақамлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштирилган корпоратив ахборот тизимини (ERP) ҳамда диспетчерлик бошқаруви ва маълумотлар йиғиш тизимини (SCADA) жорий этиш;

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган CAS (марказий такомиллаштирилган ўлчаш инфратузилмаси) тизимини тўлиқ ишга тушириш;

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясининг ички истеъмолини камайтиришга эришиш.

**Энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича ҳозирги ҳолат.**

Жамиятимиз тасарруфида бўлган подстанцияларда модернизация ва реконструкция ишлари лойиҳага кўра олиб борилмоқда.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган CAS (марказий такомиллаш-тирилган ўлчаш инфратузилмаси) тизимини тўлиқ ишга тушириш бўйича ишлари якунланмоқда.

Магистрал электр тармоқлардаги технологик йўқотишларни электр тармоқлар кесимида автоматик равишда *(АСКУЭ тизими ёрдамида )* таҳлил қилиб бориш технологик йўқотишларни камайтириш имкониятини яратади.

**Энергия тизими барқарорлигини ошириш мақсадида магистрал электр тармоқларини такомиллаштириш ва модернизация ишларини ташкил этиш.**

Жамият таркибидаги подстанцияларда босқичма-босқич модернизация ишлари олиб бориш ва 2022-2030 йилларда подстанциялардаги манан ва жисмонан эскирган электр

ускуналар ўрнига замонавий энергия самарадорлиги юқори бўлган ускуналарни ўрнатиш дастурларини амалга ошириш.

Янги ишга туширилган энергия манбаларидан қувватларни узатиш ва барқарор энергия таъминотини яратиш ҳамда магистрал электр тармоқларини ривожлантириш мақсадида лойиҳалар асосида янги замонавий электр тармоқларини қуриш ва ишга тушириш ишларини олиб бориш.

2026 йилда янги қурилаётган қайта тикланувчи энергия манбаларини энергетика тизимига улаш мақсадида магистрал электр тармоқларини ишга тушириш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

2026 йилда подстанцияларда ўрнатилган куч трансформаторлари қувватларини ошириш борасида филиалларда қуйидаги модернизация ва реконструкция ишлари бажарилади:

**“Андижон МЭТ”да** “Хакан” ПСга 2 та 250 МВА ли трансформатор ўрнатиш;
**“Бухоро МЭТ”да** “Қуйи мозор” ПСга 2та 200 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Сурхондарё МЭТ”да** “Аму” ПСга 2та 200 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Самарқанд МЭТ”да** “Чўпон-ота” ПСга 2та 40 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Навоий МЭТ”да** “Навоий НС” ПСга 2та 125 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Тошкент шаҳар МЭТ”да** “Тракторсоз” ПСга 2та 250 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Фарғона МЭТ”да** “Паулғон” ПСга 2та 125 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Сирдарё МЭТ”да** “Гўзал” ва “Феруз” ПСларига 2 тадан 250 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Жиззах МЭТ”да** “Сари бозор” ПСга 2та 250 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Хоразм МЭТ”да** “Хазарасп” ПСга 2та 16 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Фарғона МЭТ”да** “2А” ПСга 2та 40 МВАли трансформатор ўрнатиш;
**“Тошкент МЭТ”да** “Чиноз” ПСга 2та 40 МВАли трансформатор ўрнатиш;

Юқоридаги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг магистрал электр тармоқлари филиалларида қўшимча қувват узатиш имконияти яратилади, ҳамда электр энергиясининг технологик сарфлари камайишига эришилади.

**Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, реактив қувватни компенсация қилиш ва магистрал электр тармоқларини ривожлантириш.**

Жамият бўйича электр энергиясини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни бажариш. Бунда подстанцияларда электр қурилмалардан унумли фойдаланиш, самарасиз энергия ресурслардан фойдаланмаслик ҳамда энергия тежамкорлик кўрсатгичлари юқори бўлган (А++,А+В) приборларни қўллаш устувор вазифа ҳисобланди.

2026 йилда 500 кВли подстанцияларнинг худудини ёритиш чироқларини энергия тежовчи қурилмаларига (қуёш панеллари билан жихозланган ёртиш чироқлари) алмаштириш орқали подстанцияларнинг ўз истеъмоли учун сарфланадиган электр энергиясини иқтисод қилиш.

2026 йилда подстанциялардаги бино-иншоатларини таъмирлаш бўйича Самарқанд ва Қашқадарё МЕТ филиалларида ПС бино-иншоотларини термоизоляциясини яхшилаш натижасида 262,4 минг кВт.с электр энергиясини тежашга эришиш.

Электр энергиясини тежашга қаратилган ташкилий-техник тадбирларни бажариш мақсадида подстанцияларнинг ўз истеъмолини 9,1 млн. кВт.соатга қисқартиришга эришиш.

**Энергетика тизимини рақамлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштирилган корпоратив ахборот тизимини (ERP) ҳамда Диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплексини (SCADA) жорий қилиш.**

**ERP** ва **SCADA** лойиҳалари 2021-2027 йилларда жорий этиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда **SCADA** лойиҳа ТИАси ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 3-февралдаги ПҚ–113-сон қарори билан тасдиқланган. 2026-йилда **ERP** ва **SCADA** лойиҳалари бўйича ишлар тизимли равишда олиб борилиши таъминланади.

**Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган CAS (марказий такомиллаштирилган ўлчаш инфратузилмаси) тизимини тўлиқ ишга тушириш.**

Республикада жорий қилинган **CAS** (марказий такомиллаштирилган ўлчаш инфратузилмаси тизими) тизимига маълумотлар узатилиши таъминлаш мақсадида жами 2026-йилда 14032 дона электр ҳисоблагич ўрнатиш ишлари якунланади.

Бунда электр энергияси оқимлари тўғрисидаги ойлик ҳисоботлар тўлиқ автоматик ҳолда шаклланишига ва ҳисоблагичлар кўрсатгичларини инсон омилисиз шакллантиришга эришиш кўзда тутилган.

**Тадбирларнинг бажарилиши натижасида кўзда тутилган натижалар.**

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ички истеъмолини 2030-йилгача бир ярим баробарга камайтиришга эришиш**.**

Жамият объектлардаги энергия истеъмолини 2030 йилгача бир ярим баробар қисқартириш ва энергиядан самарали фойдаланиш мақсадида 2026 йилда Жамият филиалларида бино-иншоотлари ва подстанцияларда қуёш панеллари ўрнатилиши кўзда тутилган.

Хусусан, “Энергомахсусавто” филиали биносига қуввати 50 кВт, “Сурхондарё МЭТ” филиали подстанция Денов-220 кВда 50 кВт ва “Самарқанд МЕТ” филиали подстанция ва линия хизматлари биносига 50 кВт, жами қуввати 150 кВт қуёш панеллари ўрнатиш.

Бино-иншоотларда белгиланган тадбирларни бажариш орқали электр энергиясини ўз ва хўжалик эҳтиёжи истъмолини 20 фоизга қисқартиришга эришишни таъминлаш.

## 1.3 ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сон қарорининг 5-иловаси 28.5-банди билан тасдиқланган 2025-2026 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари томонидан янги инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган аниқ устувор лойиҳалар рўйҳатига киритилган лойиҳалар ижроси юзасидан 2025-2026 йилларга хар ойида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ва Энергетика вазирлигига ахборот киритиб бориш.

Ўзбекистон электр энергетика тизимининг интерактив моделини янгилаб туриш. Магистрал электр тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва узоқ муддатли концепциясини ишлаб чиқишда иштирок этиш. Ишлаб чиқилган дастур ва концепция асосида иш юритиш.

2025-2030 йиллар “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Концепциясини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва Энергетика Вазирлигига таклифлар киритиш. Электр тармоғига уланишни режалатирилган ФЭС, ШЭС, ЭЭСТ, ИЭСни тармоққа таъсирини ўрганиш бўйича хисоботлар DLG SILENT POWER FACTORY дастурида фойдаланиб ишлаб чиқиш. Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан ишлаб чиқилган 2030-йилгача Ўзбекистон энергетика тизимини ривожлантириш консепциясига асосан DLG SILENT POWER FACTORY дастурий таьминотида энергетика тизимининг 2025-2026 йиллар учун бўлган моделини ишлаб чиқиш.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ тасарруфига кирувчи подстанцияларнинг трансформаторлари ва линияларнинг кунлик юкламаларининг ҳисоботларини доимий кузатиб бориб, ўта юклanганлик ҳолати кузатилган трансформатор ва линияларни юксизлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бу бўйича таклифларни тақдим этиш.

Ишга туширилган лойихалар учун ишлаб чиқилган қувват узатиш схемасини кўриб чиқиб ва келишиш. Янги қурилаётган объектларини электр энергетика тизим статик ва динамик турғунлигига таъсирини ўрганиш, хисоботларни кўриб чиқиш ва келишиш. Магистрал электр тармоқларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эхтиёжини таъминлаш мақсадида, электр тармоқлари ривожлантиришда асосий кувватларни киритиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш.

2025 йил якуни ва 2026 йил бошига куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш борасида мукаммал таъмирлаш ишлари билан 9 та трансформатор, 39 та ўчиргич, 786,51 км узунликдаги ҳаво электр узатиш тармоқлари ҳамда жорий таъмирлаш ишлари билан 311 та трансформатор, 1 657 та ўчиргич, 15 та компрессор қурилмаси ва 5 302,3 км узунликдаги ҳаво электр узатиш тармоқларини таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

## 1.4. МАГИСТРАЛ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАР ПОДСТАНЦИЯЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ ЭРИШИШ

2030 йилга қадар энергетика тизимидаги қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 18 ГВтни ташкил этишини ҳамда ушбу қувватни тизимга интеграциялашни ҳисобга олган ҳолда, умумий узунлиги 5 737 км узунликдаги 500 ва 220 кВли ҳаво электр узатиш тармоқларини ҳамда умумий 25 128 МВА қувватли 220 ва 500 кВли подстанцияларни қуриб ишга тушириш талаб этилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, дастур доирасида 2030 йилга қадар кўзда тутилган электр узатиш тармоғи ва подстанциялар қурилиши мақсадлари учун жами 3 702,9 млн доллар миқдорида маблағ талаб этилади.

- 2025 йилда 405,8 млн доллар;
- 2026 йилда 1 166,3 млн доллар;
- 2027 йилда 805,1 млн доллар;
- 2028 йилда 403,9 млн доллар;
- 2029 йилда 158,2 млн доллар;
- 2030 йилда 328,4 млн доллар.

Хозирги кунда магистрал электр тармоқлари подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, электр энергиясини узатиш тизимини ривожлантириш ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялаш бўйича Хукумат қарори ишлаб чиқилган ва мутасадди вазирликлар билан келишилмоқда.

## 2. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ бошқаруви органлари Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқарув аппарати таркибидан иборат.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг барча оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Миллий инвеститция жамғармаси” акциядорлик жамиятига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилинади.

Ушбу Қонунда ва жамият уставида акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Миллий инвеститция жамғармаси” акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинади ва ёзма равишда ижро этилади.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари **7** кишидан иборат бўлиб, уларнинг номзодлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ягона акциядор томонидан 2024 йил 20 июндаги 10-сон қарорига мувофиқ тасдиқланади.

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Ижро этувчи орган - Жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бошқарув аппарати 5 аъзодан иборат, шу жумладан, бошқарув раиси ва тўрт нафар бошқарув раисининг биринчи ўринбосарлари ва бошқарув раиси ўринбосарларидир. Жамият Ижроия органи “Ўзбекистон МЭТ” АЖ Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан ҳамда жамият Кузатув кенгашининг йиғилиш баёнига мувофиқ лавозимга тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг устав капитали 5 113 388 761 500 (беш триллион бир юз ўн уч миллиард уч юз саксон саккиз миллион етти юз олтмиш бир минг беш юз) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 51 133 887 615 дона оддий акциялардан ташкил топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-283-сон қарорига мувофиқ “Ўзбекистон МЭТ” АЖни ташкил этиш жараёнида чиқарилган акциялар ҳамда устав капиталига қўшилган активлар ҳисобига қўшимча чиқарилган акциялар Давлат вакили бўлган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Миллий инвеститция жамғармаси” акциядорлик жамиятига тегишлидир.

## 2.1. ЖАМИЯТНИНГ АКТИВЛАРИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР

| № | Ф.И.Ш. | Лавозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври | Корхонадаги улуши |
|---|---|---|---|
| **I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)** | | | |
| **1** | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги | Давлат муассасаси | **60 фоиз** (30 680 332 539 дона оддий акция) |
| **2** | Ўзбекистон Республикаси "Миллий инвеститция жамғармаси" АЖ | Давлат иштирокидаги жамият | **40 фоиз** (20 453 555 046 дона оддий акция) |
| **II. Кузатув кенгаши аъзолари** | | | |
| **1** | Қўчқоров Жамшид Анварович | Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири (*Кузатув кенгаши раиси 2024 йилдан)* | - |
| **2** | Назаров Азизхон Бахром ўғли | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Департамент директори *(2024 йилдан)* | - |
| **3** | Қобилов Азизхўжа Очилович | Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири ўринбосари *(2024 йилдан)* | - |
| **4** | Жумаев Азизжон Холмухаммедович | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Департамент бошлиғининг биринчи ўринбосари *(2024 йилдан)* | - |
| **5** | Мамадаминов Умид Маҳмудович | Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири ўринбосари *(2024 йилдан)* | - |
| **6** | Wahid Tawfik (АҚШ) | Мустақил аъзо *(2024 йилдан)* | - |
| **7** | Csaba Baji (Венгрия) | Мустақил аъзо *(2024 йилдан)* | - |

### Ижроия органи

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1** | Исақулов Дадажон Айнакулович | Бошқарув раиси *(2019 йилдан)* | - |
| **2** | Назиров Абдумалик Абдусалимович | Бошқарув раисининг эксплуатация масалалари бўйича биринчи ўринбосари *(2022 йилдан)* | - |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **3** | Артиков Собир Садуллаевич | Бошқарув раисининг стратегик ривожлантириш, трансформация, саноатда кооперация алоқаларни кенгайтириш, капитал қурилиш, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари *(2019 йилдан)* | - |
| **4** | Қурбонов Феруз Мустафоевич | Бошқарув раисининг инвестициялар бўйича ўринбосари*(2020 йилдан)* | - |
| **5** | Юлдашев Акбархон Аббасович | Бошқарув раисининг молиявий-иқтисодий масалалари бўйича ўринбосари *(2023 йилдан)* | - |

## 3. ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Трансформация жараёнлари кам ишчи кучи ва иқтисодий ресурслар билан юқори самарадорликка эришишнинг муҳим омили сифатида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Соҳада трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича қатор қонунчилик хужжатлари қабул қилинмоқда. Жумладан, 2025 йил 8 августдаги “Ёқилғи-энергетика соҳасидаги корхоналарда трансформация жараёнларини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 508-сон ВМ қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 сентябрдаги “Ёқилғи-энергетика соҳаси корхоналарини трансформация қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-166-сон Фармони ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидлаб ўтилган амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатлар талаблари ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш, трансформация жараёнларини тўғри амалга ошириш бўйича “Ўзбекистон МЭТ” АЖ томонидан тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

**2025 - йилда амалга оширилган ишлар.**

“Ўзбекистон МЭТ” АЖни институционал ривожлантириш, электр энергиясининг эркин бозорига тайёрлаш, узоқ муддатли ривожланиш стратегияларни ишлаб чиқиш, иқтисодий ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, тизимга рақамли технологияларни ва дастурий таъминотларни янада кенгроқ жорий қилиш, бошқарувда ва технологик жараёнларда инсон омилини қисқартириб, адолатли тизимларни яратиш, коррупцияни олдини олиш, операцион самарадорликни ошириш, электр энергетика тизимини ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда шу каби бошқа муҳим ижтимоий, иқтисодий ва технологик вазифаларга эътибор қаратилди. Жумладан,

- “Ўзбекистон МЭТ” АЖ 2019-2024 йиллар ва 2025 йил 6 ойлиги учун **МҲХС** (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) асосидаги консолидациялашган молиявий ҳисоботлар бўйича **Ernst&Young** компанияси томонидан ижобий аудиторлик хулосалари олинди.

▪ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 декабрдаги “Узатиш ва тақсимлаш тизимларини ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №844 сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ тизимидаги мавжуд 35 кВ ва ундан юқори кучланишли подстанция ва ҳаво тармоқлари объектлари мажмуи узатиш тизими ҳисобланганлиги сабабли, тўлиқ ҳажмда “Ўзбекистон МЭТ” АЖга баланс қийматида ўтказилди ва узатиш тармоғи сифатидаги салоҳияти ва активлари қиймати оширилди.

▪ Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган ахборот-ўлчов тизими (АИСКУЭ) жорий этилди.

▪ Халқаро консалтинг компанияси иштирокида 2035 йилгача мўлжалланган молиявий модел ишлаб чиқилди ва мунтазам янгилаб бориш йўлга қўйилди.

▪ Халқаро кредит рейтинг агентлигининг тавсияларига асосан мустақил (standalone) кредит рейтингини яхшилаш бўйича Fitch Rating ва Standard & Poor's (S&P) катта учликка кирувчи халқаро рейтинг агентликлари жалб этилди.

▪ Кадрларни бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида, энг яхши амалиётларга мос HR-стратегия ишлаб чиқилди;

▪ Раҳбар ва ходимларнинг малака талаблари ишлаб чиқилди;

▪ Экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойиллари жорий этиш бўйича Ernst & Young халқаро аудит ва консалтинг компанияси жалб этилди.

▪ Халқаро консалтинг компаниялари иштирокида харид жараёнларининг коррупцияга қарши ҳимоя тизимини яратиш чоралари кўрилди ва “форензик” аудит ўтказилди.

Бундан ташқари Жаҳон банкининг бошқа “Институционал салоҳиятни ошириш” (IBL) лойиҳаси доирасида умумий миқдори – 430 минг АҚШ доллари қийматидаги грант маблағлари ҳисобига катта тўртликка кирувчи “PWC” халқаро аудит ва консалтинг компанияси жалб этилиб қуйидаги лойиҳалар амалга оширилди:

1) Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS)га мувофиқ янги молиявий ҳисобот (бухгалтерия, солиқ ва бошқарув ҳисоби) сиёсати;

2) Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли бюджетлаштириш тизими;

3) COSO (Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission) концепциясига асосланган рискларни бошқариш тизими жорий этилди. COSO концепцияси – бу ташкилотларда ички назорат ва рискларни бошқариш тизимларини ташкил қилиш ва баҳолаш учун кенг қабул қилинган стандартлар тўплами ҳисобланади.

**Рақамлаштириш йўналишларида:**

| 2 | Айланма маблағларни тўлдириш учун | 06.03.2025г. | 46270 | 50 000 000,00 | 31 758 267,0 | 24% | 53 833 325 | 49 999 994 | 3 833 331 | - | - 18 241 727 |
| 3 | "Модернизация ва реконструкция қилиш 35-110 кВ | №620 от 30.07.2025г. | 46270 | 800 000 000,00 | 44 714 961,8 | 25% | 463 721 458 | 293 333 333 | 170 388 124 | - | - 248 618 372 |
| | **Худудий электр тармоқларидан ўтадиган бюджет Ссудаси (минг.сум)** | | | **1 038 991 615,0** | **-** | | **402 012 265,5** | **346 330 538,3** | **55 681 727,2** | | |
| | АО "ХЭТК" ссуда | 01.10.2025г. | 01.09.2028г. | 1 038 991 615,00 | - | | 402 012 265,52 | 346 330 538,33 | 5 681 727,19 | | |

## 9. ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ

**2026** йилда "Ўзбекистон МЭТ" АЖда кутилаётган умумий ишловчи ходимлар сони 8 856 та ва иш ҳақи фонди ижтимоий солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда 1,246 трлн.сўмни ташкил этмоқда.

### Иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш тизими

**млн.сўм**

| № | Ишчи-хизматчилар | 2025 й. (кутилаётган) | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўртача ишчилар сони | Иш ҳақи миқдори (қатъий) | шу жумладан: Рағбат-ш хусусият эга тўловлар | Устама ва қўшимча хақлар | Меҳнат таътил чиқиши мун.бн кўш. хақ |
| **Жами**** | | **8 495** | **776 434** | **137 987** | **34 427** | **26 694** |
| **I.** | **Бошқарув органлари** | **12** | **8 759** | **1 118** | **0** | **0** |
| 1. | Кузатув кенгаши | 7 | 3 814 | | | |
| 2. | Ижроия органи | 5 | 4 946 | 1 118 | 0 | 0 |
| | *Ижроия органи раҳбари* | 1 | 1 089 | 236 | | |
| | *Ижроия орган аъзолари* | 4 | 3 857 | 883 | | |
| **II.** | **Назорат органлари** | **3** | **908** | **211** | **0** | **37** |
| 2. | *Ички аудит* | 3 | 908 | 211 | | 37 |
| **III.** | **Саноат иш/чиқаришда** | **7 687** | **619 998** | **107 573** | **32 550** | **22 140** |
| **IV.** | **Маъмурий бошқарувда** | **793** | **144 693** | **28 685** | **1 833** | **4 465** |
| **V.** | **Носаноат ходимлари** | **17** | **1 076** | **400** | **44** | **52** |

| № | Ишчи-хизматчилар | 2026 й. (режа) | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўртача ишчилар сони | Иш ҳақи миқдори (қатъий) | шу жумладан: Рағбат-ш хусусият эга тўловлар | Устама ва қўшимча хақлар | Меҳнат таътил чиқиши мун.бн кўш. хақ |
| **Жами** | | **8 856** | **1 246 008** | **285 217** | **71 123** | **65 915** |
| **I.** | **Бошқарув органлари** | **12** | **8 759** | **1 118** | **0** | **0** |
| 1. | Кузатув кенгаши | 7 | 4 114 | | | |
| 2. | Ижроия органи | 5 | 4 946 | 1 118 | 0 | 0 |
| | *Ижроия органи раҳбари* | 1 | 1 201 | 259 | | |
| | *Ижроия орган аъзолари* | 4 | 4 230 | 991 | | |
| **II.** | **Назорат органлари** | **3** | **1 011** | **241** | **0** | **46** |
| 2. | *Ички аудит* | 3 | 1 011 | 241 | | 46 |
| **III.** | **Саноат иш/чиқаришда** | **7 984** | **1 061 366** | **248 956** | **68 845** | **60 451** |
| **IV.** | **Маъмурий бошқарувда** | **840** | **173 632** | **34 442** | **2 230** | **5358** |
| **V.** | **Носаноат ходимлари** | **17** | **1 237** | **460** | **48** | **60** |

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 декабрдаги "Узатиш ва тақсимлаш тизимларини ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 844 қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 1 июндан ходимлар сони ва иш хақи фонди 2025 йилга нисбатан ошган.*

## 10. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИ

Жамиятимиз томонидан 2025 йилда давлат бюджетига 220,7 млрд.сўм миқдорида солиқ тўловларини амалга оширилиши кутилмоқда. Жумладан: Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 0,3 млрд.сўм, Мол-мулксолиғи 77,1 млрд.сўм, Ерсолиғи 25,2 млрд.сўм ва бошқа солиқлар 3,5 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

2026 йилда давлат бюджетига 304,0 млрд.сўм миқдорида солиқ тўловларини амалга ошириш кутилмоқда. Жумладан: Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 0,5 млрд.сўм, Мол-мулк солиғи 88,5 млрд.сўм, Ер солиғи 30,0 млрд.сўм ва бошқа солиқлар 5,0 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

### Жамиятнинг Давлат бюджетига тўловлар тўғрисида маълумот

**(млрд.сўм)**

| № | Тўловлар | 2025 й (кутилаётган) | 2026 й (Режа) | Шу жумладан | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак |
| **Жами** | | **220,7** | **323,4** | **79,9** | **80,4** | **81,5** | **81,6** |
| 1. | Эгри солиқлар, *шу жумладан:* | | | | | | |
| | *ҚҚС* | 114,6 | 180,0 | 45,0 | 45,0 | 45,0 | 45,0 |
| | *Акциз* | | | | | | |
| 2. | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | | | | | | |
| 3. | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 0,3 | 0,4 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 |
| 4. | Фойда солиғи | | | | | | |
| 5. | Мол-мулк солиғи | 77,1 | 105,9 | 25,7 | 26,2 | 26,9 | 27,0 |
| 6. | Ер солиғи | 25,2 | 32,4 | 7,9 | 7,9 | 8,2 | 8,2 |
| 7. | Айланмадан олинадиган солиқ | | | | | | |
| 8. | Давлат божи ва йиғимлар | | | | | | |
| 9. | Бошқа солиқлар | 3,5 | 5,0 | 1,2 | 1,2 | 1,3 | 1,3 |

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узатиш ва тақсимлаш тизимларини ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2024 йил 17 декабрдаги 844-сонли қарорига асосан жамиятимиз балансига ўтказиладиган барча кўчмас мулкларга кадастр ҳужжатлари қайта расмийлаштирилгандан сўнг қайта ўзгартириш киритилиши мумкин.*

## 11. ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗДОРЛИКЛАР

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг электр энергиясини ишлаб чиқарувчи корхоналар олдидаги ҳамда бошқа кредитор қарздорлик 2025 йил 1 январь ҳолатига жами 2137,1 млрд.сўмни ташкил этган. 2025 йил 1 июль ҳолатига 5 289,2 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг “Ҳудудий ЭТК” АЖ олдидаги дебитор қарздорлиги 2025 йил 1 январь ҳолатига 2 738,4 млрд.сўмни ташкил этган. 2025 йил 1 июль ҳолатига 3 318,7 млрд.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

***млрд.сўм***

| № | Кўрсаткичлар | йиллар кесимида | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 01.07.2023 | 01.01.2025 | 01.10.2024 | 01.07.2025 |
| 1. | **Дебиторлик қарздорлик жами**, *шу жумладан:* | **6 047.3** | **8 015,5** | **1 889** | **3 318,7** |
| | *муддати ўтган қарздорлик, шундан* | | | | |
| 2. | **Кредиторлик қарздорлик жами**, шу *жумладан:* | **13 327,7** | **16 435,5** | **1584** | **5 289,2** |
| | *муддати ўтган қарздорлик* | | | | |

### ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР КЎРСАТКИЧЛАР ДИНАМИКАСИ

***млрд.сўм***

| № | Кўрсаткичлар | йиллар кесимида | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 01.01.2023 й. | 01.01.2024й. | 01.07.2025й. |
| 1. | **Дебиторлик қарздорлик** | **5 564,1** | **8 015,5** | **3 318,7** |
| | | | | |
| 2. | **Кредиторлик қарздорлик** | **11 626,3** | **16 435,5** | **5 289,2** |

***Изоҳ:*** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сонли “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ 2024 йил 1 июлдан бошлаб электр энергиясини марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функцияси “Ўзэнергосотиш” АЖ томонидан ва магистрал электр тармоқларини эксплуатация қилиш функцияси "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан тўлиқ амалга оширилиши белгилаб берилганлиги сабабли, дебитор ва кредитор қарздорлик кўрсаткичлари “Ўзэнергосотиш” АЖ балансига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узатиш ва тақсимлаш тизимларини ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 17 декабрдаги 844-сонли қарорига асосан жамиятимиз балансига ўтказиладиган барча кўчмас мулкларни қабул қилиб бўлингандан сўнг устав фонди кўпайиш ҳисобига кредиторлик қарздорлик суммаси камайиши мумкин.

## 12. САРФ ХАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан **2025** йилда **401,4 млрд сўмлик** сарф-харажатларни қисқартириш, иқтисод қилиш ва оптималлаштириш прогноз режасини ижросини таъминланиши кутилмоқда.

Жумладан: Энергия ресурсларини тежаш (Ёқилғи-мойлаш материаллари) ҳисобига 0,8 млрд сўм; Технологик ва бошқа йўқотишларни камайтириш ҳисобига 8,5 млрд сўм; Хом-ашё ва материаллар учун харажатларни оптималлаштириш ҳисобига 0,8 млрд сўм; Харид қилиш, ташиш ва сақлаш харажатларини оптималлаштириш ҳисобига 46,0 млрд сўм ҳамда бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига 345,3 млрд сўм иқтисод қилинишни кутилмоқда.

**2026** йилда Иловага мувофиқ Жамият бўйича жами **637,3 млрд.сўм** миқдорида сарф-харажатларни қисқартириш, иқтисод қилиш ва оптималлаштириш прогнозлаштирилмоқда.

Жумладан: Энергоресурсларни иқтисод қилиш ҳисобига – 1,2 млрд сўм; Материал ва ҳом-ашёлар сарфини оптималлаш ҳисобига – 2,7 млрд сўм; Технологик ва бошқа йўқотишлар камайтириш ҳисобига – 58,6 млрд сўм; Харид қилиш, ташиш ва сақлаш харажатларини мақбуллаштириш ҳисобига – 50,0 млрд сўм; Асосий воситалар харажатлари (амортизация) меъёрини пасайтириш ҳисобига 504,0 млрд сўм; Бошқа харажатларни қисқартириш ва оптималлаштириш ҳисобига – 20,8 млрд сўм.

## 13. СОФ ФОЙДА ТАҚСИМОТИ

### Жамиятнинг молиявий фаолияти бўйича соф фойдани тақсимлаш (млрд.сўм)

2024 йилда жамият молиявий фаолиятининг зарар билан якунланиши режалаштирилганлиги сабабли соф фойда тақсимоти режаси ишлаб чиқилмади.

| № | Йўналиш | 2024 йил Амалда | 2025 йил Прогноз | 2026 йил Прогноз |
|---|---|---|---|---|
| **Соф фойда/ -зарар** | | **- 2 146,7** | **643,8** | **461,2** |

## 14. САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги УП-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилдаги 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юрутувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини бахолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ва Низомига асосан “Ўзбекистон МЭТ” АЖ фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича ҳисоботлар ҳар чоракда Жамият кузатув кенгаши ижроия органлари томонидан тингланади ва амалга оширилган ишлар бўйича тегишли маълумот ва ҳисоботлар Давлат активлари сайтига мунтазам жойлаштириб борилади.

## Самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари

### 2026 йил учун самарадорликнинг асосий ва қўшимча муҳим кўсаткичлари

| № | АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР | Солиштирма нисбат | I чорак | | II чорак | | III чорак | | IV чорак | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Мақсадли кўрсаткич | Режа | Мақсадли кўрсаткич | Режа | Мақсадли кўрсаткич | Режа | Мақсадли кўрсаткич | Режа |
| 1 | Товар маҳсулот хажми транспортировка (фоизда) | | 10 | 100% | 10 | 100% | 10 | 100% | 5 | 100% |
| 2 | Соф фойданинг режага нисбатан бажарилиши | | 10 | 100% | 10 | 100% | 10 | 100% | 10 | 100% |
| 3 | Сарф-харажатни камайтириш | | 25 | 100% | 25 | 100% | 25 | 100% | 20 | 100% |
| 4 | Тўлов қобиляти коэффиценти | >1,25 | 15 | 1,25 | 15 | 1,25 | 15 | 1,25 | 15 | 1,25 |
| 5 | Молиявий мустақиллик коэффиценти | >1 | 15 | 1,00 | 15 | 1,00 | 15 | 1,00 | 15 | 1,00 |
| 6 | Инвестицион лойиҳаларни бажарилиши | | 25 | 100% | 25 | 100% | 25 | 100% | 20 | 100% |
| 7 | Девиденд ҳисоби | | | | | | | | 15 | 100% |
| **Жами:** | | | **100** | | **100** | | **100** | | **100** | |

| № | ҚЎШИМЧА КЎРСАТКИЧЛАР | Солиштирма нисбат | I чорак | | II чорак | | III чорак | | IV чорак | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Мақсадли кўрсаткич | Режа | Мақсадли кўрсаткич | Режа | Мақсадли кўрсаткич | Режа | Мақсадли кўрсаткич | Режа |
| 1 | Ликвидлик коэффиценти | >0,2 | 10 | 0,2 | 10 | 0,2 | 10 | 0,2 | 10 | 0,2 |
| 2 | Кредитор қарздорлик айланиши | | 5 | 90 | 5 | 90 | 5 | 90 | 5 | 90 |
| 3 | Дебитор қарздорлик айланиши | | 5 | 90 | 5 | 90 | 5 | 90 | 5 | 90 |
| 4 | Асосий воситалар эскириши | < 0,5 | 15 | 0,5 | 15 | 0,5 | 15 | 0,5 | 15 | 0,5 |
| 5 | Асосий воситалар янгиланиш коэффиценти | < 0,2 | 15 | 0,2 | 15 | 0,2 | 15 | 0,2 | 15 | 0,2 |
| 6 | Меҳнат унумдорлиги | | 20 | 180 | 20 | 180 | 20 | 180 | 20 | 180 |
| 7 | Янги иш ўринлари | | 15 | 100% | 15 | 100% | 15 | 100% | 15 | 100% |
| 8 | Кадрлар қўнимсизлиги коэффиценти | < 1 | 15 | 1 | 15 | 1 | 15 | 1 | 15 | 1 |
| **Жами:** | | | **100** | | **100** | | **100** | | **100** | |

## 15. ХАРИДЛАР РЕЖАСИ

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан харид қилинадиган ва кўрсатиладиган хизматлар ҳамда бажариладиган ишлар xarid.uz, UZ.RTSB ярмарка.узех.uz, энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали, тендер савдолари, Xt-xarid.uz платформалари орқали амалга оширилмокда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори иловасига асосан ўрнатилган тартибда шартномалар расмийлаштирилмоқда.

Жамият фаолияти давомида давлат харидлари жараёнида оффшор ҳудудлардан рўйхатдан ўтган иштирокчилар билан шартномалар имзоланмаган, шу билан бирга импорт шартномаларни тузиш режалаштирилмаган бўлиб, харидлар маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан амалга оширилмоқда.

Жамиятда 2025 йил учун инвестиция лойиҳалари доирасида ва бажарилиши режалаштирилган (ишлар, хизматлар) ва барча турдаги товар-моддий бойликларини харид қилиш бўйича 419,9 млрд.сўм режа белгиланган бўлиб, ушбу кўрсатгич жорий йил 1-чорак давомида (январь - март ойларида) харид қилиш тартиб-таомили натижаларига кўра жами 44,8 млрд.сўмлик харидлар амалга оширилди.

Жумладан:

Мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича 707,0 млн.сўм
Капитал қурилиш ва модернизация дастури бўйича 19,8 млрд.сўм
Автотранспорт ва механизмлар бўйича 22,0 млрд.сўм
Алоқа воситалари ва хизматлари бўйича 381,9 млн.сўм
Канцелярия ва хўжалик маҳсулотлари бўйича 38,5 млн.сўм
Бошқа харажатлар бўйича 2,5 млрд.сўмга

Шу билан бирга, жорий йил охиригача 379,6 млрд.сўмга харидлар амалга ошириш кўзда тутилган.

Жамият томонидан 2025 йилда барча турдаги товар-моддий бойликларини харид қилиш бўйича 419,9 млрд.сўмга режалаштирилди.

***(млрд.сўм)***

| № | Харид йўналиши | 2024 йил режа | 2025 йил режа | 2026 йил учун режа-прогноз |
|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **5** | **8** |
| 1 | ***Жами;*** | **549,1** | **419,9** | **610,1** |
| | ***Шу жумладан;*** | | | |
| 1 | Мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича | 26 | 64,9 | 83,9 |
| 2 | Капитал қурилиш ва модернизация дастури бўйича | 489 | 317,9 | 389,1 |
| 3 | Автотранспорт ва механизмлар бўйича | 32 | 33,0 | 42,1 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4 | Алоқа воситалари ва хизматлари бўйича | 0,8 | 0,8 | 1,2 |
| 5 | Канцелярия ва хўжалик маҳсулотлари бўйича | 0,9 | 0,6 | 0,8 |
| 6 | Мустаҳкамлик ва хафсизлик техникаси бўйича | | 2,7 | 4,9 |
| 7 | Бошқа харажатлар | 0,4 | | 88,1 |

## 16. КОРРУПЦИЯ ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИ ҲАМДА 2026 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР

“Ўзбекистон МЭТ” АЖда 2025 йилда коррупцияга қарши курашиш борасида профилактик тадбирлар ўтказиш мақсадида тегишли иш режаси ва Бош прокуратуранинг “Йўл харита”си ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.

Мазкур иш режага асосан:

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Қонун ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларида белгилаб ўтилган тартибда ишларни ташкил этиш;

ишга олинаётган номзодларни текшириш реестрини шакллантирилиб бориш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат (Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати) томонидан самарали ишларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш белгилаб ўтилган.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон Қарорига мувофиқ ташкил этилган “E-anticor.uz” платформасига Жамият томонидан амалга оширилган ишлари тўғрисидаги маълумотлар киритилди.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖда 2025 йил ҳисобот даврида Жамиятнинг маъсул ходимлари Энергетика вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ташкил этилган кўплаб ўқув семинарларида иштирок этди.

Бундан ташқари Cert-Academy-Group компаниясини жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ISO 37001:2025 халқаро стандарти талаблари асосида Жамият ва унинг филиаллари масъул ходимларини ўқитиш мақсадида ўқув семинари ўтказилиб, ушбу ўқув семинарида **37 нафар** ходим ISO 37001:2025 халқаро стандарти асосида тегишли сертификатлар олишди.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати томонидан Жамиятнинг веб-сайтига коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишларга оид маълумотлар киритилиб борилмоқда.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖ Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати томонидан 2025 йил ҳисобот даври оралиғида ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестрига мувофиқ марказий аппаратига 15 нафар ходим ишга кирганлигини ҳамда улар бўйича ҳодимлар билан ишлаш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармасига тегишли хулосалар тақдим этилди.

Шунингдек, 2025 йилнинг сентябрь–октябрь ойларида Жамият марказий аппарати ва унинг тасарруфидаги филиалларнинг раҳбар ва ходимларини Коррупцияга қарши курашиш Виртуал академиясида таҳсил олишларини таъминлаш мақсадида Масофавий ўқув курслари ташкил этилиб, ҳозирда ушбу ўқув курсида 1168 нафар раҳбар ва ходимлар коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз билим ва малакаларини оширмоқда. Ўқув курси якуний тестидан муваффақиятли ўтган раҳбар ва ходимлар тегишли сертификатларни эга бўлишади.

Мувофиқлик тизими (комплаенс) хизмати томонидан 2025 йил III чорагида амалга оширган ишларига оид маълумотлар **"E-anticor.uz"** платформасига киритилди.

**2026 йилда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида.**

- "Ўзбекистон МЕТ" АЖ жамоасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, соҳасида билим ва кўникмаларни ошириб бориш, масъул ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишлари бўйича малакасини ошириш;
- Жамиятда коррупцияга олиб келувчи омилларни минималлаштириш мақсадида менежмемент, давлат харидлари бошқа тусдаги жараёнларни босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш чораларини кўриш;
- Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижасида шакллантирилган коррупцияга мойил лавозимлар раҳбарларини касбий одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашнинг бошқа йўналишлари бўйича ўқув курсларида доимий ва тизимли равишда ўқитиш тартибини жорий этиш;
- "Ўзбекистон МЭТ" АЖ тизимида коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган ишларни жамоатчиликка ва ОАВ вакилларига тақдим этиб бориш ва муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиш;
- Жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида тезкор хабар бериш имконини таъминлаш учун Жамият марказий аппарати, унинг филиалларида "Ишонч рақамлари" (Call-markaz) ва бошқа алоқа каналларининг фаолиятини ўрганиб чиқиш ва доимий таҳлилини олиб бориш;
- АКТ имкониятларидан фойдаланиб, хизмат компютерлари мониторига коррупцияни олдини олишга қаратилган сурат ёки ибратли сўзлар ёзиш ҳамда буларни ёритиб боришни таъминлаш;
- Коррупция оқибатлари акс этган суратларни барча ходимлар хизмат столида бўлишини таъминлашга оид чорлар кўриш.

## 17. ХОДИМЛАР ВА ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИ

Жамият фаолиятининг асосий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган "Ўзбекистон МЭТ" АЖнинг Кадрлар сиёсати тўғрисидаги Низом" ишлаб чиқилган бўлиб, у Жамиятни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун инсон ресурсларини (ходимларини) бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш, бозорнинг ўзгарувчан талабларига ўз вақтида жавоб бера оладиган малакали ва юқори самарали жамоа яратиш тизимини белгилайди.

Шунингдек, 2025 йилда “Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг HR стратегияси” ишлаб чиқилди. HR стратегиясини амалга ошириш натижасида жамиятда ходимлар билан ишлаш йўналишида бир қатор мақсадларга эришиш кўзда тутилган. Жумладан,

- кучли, марказлашган, касбий компетенцияларга эга кадрлар билан ишлаш жамоасини ривожлантириш;

- электр энергиясининг транспортировка ва транзитига хизмат қилувчи персоналларни, техник ходимларни тайёрлаш, техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этадиган малакали персоналларни тайёрлашга эътибор қаратиш, жамият фаолияти натижасига қўшиладиган ҳиссани ошириш ва функцияни ривожлантириш бўйича қатор ташаббуслар орқали соҳани қўллаб-қувватлаш;

- самарали, шаффоф ва автоматлаштирилган бизнес-жараёнларни жорий этиш;

-келгуси 5 йил ичида “Ўзбекистон МЕТ” АЖнинг HR функцияси администратор ролидан бизнес-ҳамкор ролига ўтиши, яъни ташкилотнинг стратегик вазифаларини ҳал қилишда фаол консультант сифатида иштирок этишига эришиш кўзда тутилган.

Бунда, Жамиятда стратегик ривожланишнинг устувор йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари, HR-стратегияни амалга ошириш йўллари, стратегик ривожланиш ташаббуслари ва уларнинг устуворлиги, ташаббуслар тафсилоти, ташаббусларни амалга ошириш бўйича йўл харитаси, HR-стратегияни амалга ошириш ва жорий этиш жараёнларини бошқариш каби масалалар батафсил ёритиб берилган.

Жамиятда электр энергетика тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш бўйича устивор вазифа ва талабларга мувофиқ аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Турли ўқув марказларида ходимлар малакаси мунтазам равишда ошириб борилади. Ҳар йили олий ўқув юртларида электр энергетикаси йўналиши бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланади.

Шу жумладан, жорий йилда Жамият тасарруфида “Тезкор ходимларни тайёрлаш ўқув маркази” ҳамда Тошкент давлат техника университети Энергетика муҳандислиги факультетининг “Электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари” кафедраси филиали биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу масканда таълим олиш учун барча замонавий қулайлик ва шароитлар яратилган бўлиб, келгусида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, замонавий илғор тажрибалар билан таништириш мақсадида доимий равишда ўқув курслари янада самарали ташкил этиб борилади.

Электр энергетика соҳаси учун ёш, истиқболли кадрларни тайёрлаш мақсадида Жамият ўз ходимларини ўқитиш ва таълим олишлари учун маблағлар ажратмоқда. Кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида ёш истиқболли мутахассислар раҳбарлик лавозимларига ўтказилмоқда.

Жамиятда 2026 йилда чет эл мамлакатларида 60 нафар раҳбар-ходимлар малакасини оширади ҳамда тажриба алмашилади. Жамият маблағлари ҳисобидан тўлов-контракти асосида 28 нафар ходимлар Республика олий таълим муассасаларида махсус сиртқи таълим йўналиши бўйича таҳсил олади. Бундан ташқари ички имкониятлардан келиб чиқиб, жамиятнинг “Тезкор ходимларни тайёрлаш ўқув маркази”да 260 нафар ходим учун малака ошириш ўқув курслари ташкил этилади. Жамият филиалларида 1750 нафар ходимлар учун устоз-шогирд анъаналарига мувофиқ машғулотлар ташкил этилади.

Жамият ходимларини танлаш ва ишга қабул қилиш “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг ишга қабул қилиш чоғида танлов ўтказиш тўғрисидаги Низоми”га асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Бизнес ва

тадбиркорлик олий мактаби, Банк-молия академиясида таълим олиш учун ходимларга имкониятлар яратилади.

Энергетика тизимида ходимларнинг соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларини шакллантириш, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари, уларнинг саломатлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича Жамиятимиз тамонидан Тошкент тиббий санитария қисми билан шартнома тузилган. Ушбу Тиббий санитария қисми томонидан ҳар йили ўртача 7 **минг** нафардан зиёд жамиятимиз ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Тиббий санитария қисми кенг қамровдаги тиббий хизматларини тақдим этади. Масалан, ходимларга малакали терапевт, невропатолог, дерматолог, эндокринолог, гинеколог, уролог, лор, окулист, жарроҳ, стоматолог, УЗИ, рентген, қон таҳлили ва физиотерапия муолажалари бўйича олий даражадаги тиббий хизматлар кўрсатилиб келинмоқда.

Шунингдек, “Тошкент шаҳар МЭТ” филиали таркибида “Учқун” спорт маскани фаолият юритади. Спорт масканида ходимларимизга ёзги ва қишки теннис кортларида, волейбол, баскетбол ва футбол майдонларида спорт билан шуғулланиб, соғликларини тиклашлари учун шароит яратилган.

Жамият бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғликларини тиклаш учун 2026 йилга қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган:

- Республикамиздаги “Турон”, “Оқтош”, “Зомин”, “Чинобод” ва бошқа 30 дан зиёд санаторий ва дам олиш уйларида 560 нафардан зиёд ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини соғликларини тиклаш;
- Россия давлати, Кисловодск шаҳридаги “Ўзбекистон” санаториясида “Малака ошириш-даволаниш” дастури бўйича 20 нафар ходимни дам олдириш;
- Болаларни соғломлаштириш лагерларида 300 нафардан зиёд болаларни соғломлаштириш;
- Бухоро, Самарканд, Хива ва бошқа тарихий шаҳарларга саёҳатларга 800 нафардан зиёд ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини олиб бориш;
- Йил давомида барча филиалларда шахмат, шашка, стол тенниси, минифутбол бўйича спорт мусобақалари ташкил этилади. Унда 1200 дан зиёд ходимлар иштирок этишини таъминлаш.

**Илова 1**

**“O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” AJda 2026-yilda sarf-xarajatlarni qisqartirish, iqtisod qilish va maqbullashtirish bo‘yicha CHORA-TADBIRLAR**

| T/r | Amalga oshiriladigan chora-tadbirlar | Iqtisod qilinadigan mablag‘lar *mln so‘m* | Mas’ullar | Ijro muddati |
|---|---|---|---|---|
| | **Jami chora-tadbirlar hisobiga** | **637 300,0** | | |
| **I** | **Xomashyo va materiallar uchun xarajatlarni optimallashtirish** | **2 716,0** | | |
| 1 | Mukammal va joriy ta’mirlash ishlarida ishlatiladigan material va ehtiyot qismlarni mahalliy ishlab chiqaruvchilardan xarid qilish orqali hamda ularni ishlatilish normasini qayta ko‘rib chiqish, shuningdek, ta’mirlash ishlarini pudratchi tashkilotlarni jalb qilmasdan, ichki imkoniyatlardan foydalangan holda xo‘jalik usulida bajarish, butlovchi materiallar sarf-xarajatlarini qisqartirish. | 2 716,0 | Boshqaruv raisining ekspluatatsiya masalalari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari, Elektr tarmoqlaridan foydalanish bosh boshqarmasi, filiallar rahbarlari va bosh muhandislari | 2026-yil davomida |
| **II** | **Energiya resurslarini tejash** | **1 202,0** | | |
| 2 | Energoresurslarni tejash, ya’ni transport vositalariga texnik xizmat ko‘rsatish va yoqilg‘i-moylash materiallari uchun sarflanadigan sarf-xarajatlarni iqtisod qilish, qisqartirish va maqbullashtirish. *Jumladan, benzin - 18,6 tn.(260,4 mln so‘m), dizel - 45,1 tn.(676,5 mln so‘m), metan 41,6 tn. (228,5 mln so‘m), propan 6,6 tn. (36,3 mln so‘m).* | 1 202,0 | Boshqaruv raisining birinchi o‘rinbosari, Avtotransport va mexanizmlar boshqarmasi, filiallar rahbarlari va bosh muhandislari | 2026-yil davomida |
| **III** | **Texnologik va boshqa yo‘qotishlarni kamaytirish** | **58 600,0** | | |
| 3 | DXSh asosida qurilgan stansiyalarning magistral elektr tarmoqlariga ulanishi orqali hududlarga elektr energiya uzatish rejimini optimallashtirish (59200 ming kV.s). | 30 086,0 | Boshqaruv raisining ekspluatatsiya masalalari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari, Elektr energiyasi oqimlariini tahlil qilish | 2026-yil davomida |

<table>
<tr><td></td><td></td><td></td><td>va hisobotini yuritish boshqarmasi, filiallar rahbarlari va bosh muhandislari</td><td></td></tr>
<tr><td>4</td><td>Xorazm viloyatidagi yuqori kuchlanish podstansiyalarda reaktiv quvvatni kompensatsiya qilish qurilmasining ishchi holatini nazorat qilish (35400 ming kV.s).</td><td>17 991,0</td><td rowspan="7">Boshqaruv raisining ekspluatatsiya masalalari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari, Elektr energiyasi oqimlariini tahlil qilish va hisobotini yuritish boshqarmasi, filiallar rahbarlari va bosh muhandislari</td><td rowspan="6">2026-yil davomida</td></tr>
<tr><td>5</td><td>Elektr uzatish tarmoqlarini qurish va yangi quvvatlarni ishga tushirish (6200 ming kV.s).</td><td>3 144,0</td></tr>
<tr><td>6</td><td>Podstansiya va havo elektr uzatish tarmoqlaridagi ulanmalarni teplovizor ko‘rigidan o‘tkazish, transformatorlar, kommutatsiya qurilmalari, havo tarmoqlarini mukammal hamda joriy ta’mirlash, havo harorati past bo‘lganda transformatorlarning sovutish tizimidagi elektr dvigatellarni rejim asosida o‘chirish (3200 ming kV.s).</td><td>1 631,0</td></tr>
<tr><td>7</td><td>Modernizatsiya dasturlarini amalga oshirish (10700 ming kV.s).</td><td>5 438,0</td></tr>
<tr><td>8</td><td>250 kVt quvvatdagi quyosh panellarini o‘rnatish (311 ming kV.s).</td><td>158,0</td></tr>
<tr><td>9</td><td>Hududiy filiallar va podstansiyalardagi bino-inshootlarning energiya samaradorligini oshirish (165 ming kV.s).</td><td>84,0</td></tr>
<tr><td>10</td><td>Hududiy filiallardagi bino-inshootlar va yoritish chiroqlariga harakat datchiklarini o‘rnatish (132 ming kV.s).</td><td>67,0</td><td></td></tr>
<tr><td>IV</td><td>Xarid qilish, tashish va saqlash xarajatlarini optimallashtirish</td><td>50 000,0</td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>11</td><td>Korporativ va budjet buyurtmachilarining Davlat xaridlari shaffofligi va samaradorligini oshirish bo‘yicha xarid shartnomalarini optimallashtirish, ya’ni “O‘zbekiston MET” AJ bo‘yicha shartnoma narxlarini qayta ko‘rib chiqish.</td><td>50 000,0</td><td>Boshqaruv raisining moliya va iqtisod masalalari bo‘yicha o‘rinbosari, Xaridlar-transformatsiya ofisi, Yuridik</td><td>2026 yil davomida</td></tr>
</table>

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | boshqarma, Moliyaviy pul oqimlari boshqarmasi, Buxgalteriya | |
| **V** | **Asosiy vositalar xarajatlari (amortizatsiya) me'yorini pasaytirish:** | **504 000,0** | | |
| 12 | Bino va inshootlarning boshlang'ich qiymati amortizatsiya me'yorini kamaytirish. | 3 800,0 | Boshqaruv raisining moliya va iqtisod masalalari bo'yicha o'rinbosari, Buxgalteriya hisobi va hisobotlari boshqarmasi | 2026-yil davomida |
| 13 | Elektr energiyasini uzatish liniyalari, telekommunikatsiya liniyalari, quvurlar, postansiyalardagi asbob-uskunalarning boshlang'ich qiymati amortizatsiya (eskirish) me'yorini ularning yaroqlilik davriga mos tarzda kamaytirish. | 478 700,0 | | |
| 14 | Mebel va ofis jihozlari, orgtexnika va periferiya uskunalari, transport uskunalari, avtotransport vositalari, avtomobil kuzovlari (korpuslari), tirkamalar va yarim tirkamalar hamda boshqa transport uskunalarining boshlang'ich qiymati amortizatsiya me'yorini kamaytirish. | 21 300,0 | | |
| 15 | Boshqa asosiy vositalarning amortizatsiya me'yorini kamaytirish | 200,0 | | |
| **VI** | **Boshqa davr xarajatlarini qisqartirish** | **20 782,0** | | |
| 16 | Mehnat unumdorligini oshirish hisobiga rag'batlantirish xususiyatiga ega to'lovlarni hamda idoraviy tovarlar va materiallardan oqilona foydalanish hisobiga, shuningdek, Konsalting va axborot xizmatlari va vakillik sarf-xarajatlarini kamaytirish, dam olish va bayram kunlari ishga jalb qilingan xodimlarga haq to'lash o'rnini ularga otgul berish evaziga mablag'larni iqtisod qilish, xayriya jamg'armalariga ajratmalarni qisqartirish va boshqalar. | 7 582,0 | Boshqaruv raisining moliya va iqtisod masalalari bo'yicha o'rinbosari, Iqtisodiyot va rejalashtirish boshqarmasi, Moliyaviy va pul oqimlari boshqarmasi, Jamiyatning barcha aloqador bosh boshqarma, boshqarma, bo'lim va xizmatlari | 2026-yil davomida |
| 17 | DXShlarni O'zbekiston Respbulikasi Prezidentining PF-166-son Farmoniga asosan "O'zenergosotish" AJga o'tkazilish. Boshqa davriy xarajatlar. | 13 200,0 | | |